



БИОЛОГИК АКТИВЛАРНИ ТАН ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Равшанов Алишер

Қарши давлат техника университети

ORCID: 0009-0002-5204-2467

alisherravshanov0571@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида эришилган натижалар белгилаган, бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга жадал ўтказиш бўйича мавжуд муаммолар аниқланган, биологик активларни таърифи ишлаб чиқилган. 41-сон БҲҲС “Қишлоқ хўжалиги” стандартининг моҳияти ва асосий қоидалари келтирилган. Мақолада биологик активларни тан олиш, бошланғич ва адолатли (ҳаққоний) қийматда баҳолаш, биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати ошишидан олинadиган фойдани аниқлаш тартиби келтирилган.

Калитли сўзлар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, биологик активлар, биотрансформация жараёни, биологик активларнинг бошланғич таннархи, давомий баҳолаш, адолатли (ҳаққоний) баҳолаш

ПРИЗНАНИЕ И ОЦЕНКА БИОЛОГИЧЕСКИХ АКТИВОВ

Равшанов Алишер

Каршинский государственный технический университет

Аннотация: В данной статье обозначены достигнутые результаты в сельском хозяйстве, выявлены существующие проблемы, связанные с ускоренным переходом бухгалтерского учета на международные стандарты, а также разработано определение биологических активов. Приведены сущность и основные положения МСФО (IAS) 41 «Сельское хозяйство». В статье изложены порядок признания биологических активов, их первоначальной и справедливой (достоверной) оценки, а также порядок определения прибыли, получаемой от увеличения стоимости биологических активов и сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: сельскохозяйственная продукция, биологические активы, процесс биотрансформации, первоначальная себестоимость биологических активов, последующая оценка, справедливая (достоверная) оценка.

RECOGNITION AND MEASUREMENT OF BIOLOGICAL ASSETS

Ravshanov Alisher

Karshi State Technical University

Abstract. This article identifies the achievements made in agriculture and the existing problems related to the rapid transition of accounting to international standards, as well as provides a developed definition of biological assets. The essence and main provisions of IFRS (IAS) 41 “Agriculture” are presented. The article outlines the procedures for the recognition of biological assets, their initial and fair (equitable) value measurement, and the determination of profit arising from the increase in the value of biological assets and agricultural products.

Keywords: agricultural products, biological assets, biotransformation process, initial cost of biological assets, subsequent measurement, fair (equitable) value measurement.

Кириш.

Барча соҳалар каби қишлоқ хўжалик соҳасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик ерларнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида илғор ва тежамкор технологияларни қўллаш, ҳосилдорликни ошириш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, замонавий қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилиш ва фойдаланиш каби масалалар долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарининг самарадорлигини ошириш мақсадида фермер хўжаликларига қайси маҳсулотни етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш бўйича катта имкониятлар берилмоқда, қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни етиштиришдан тортиб уларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш, сотиш, жумладан экспортни амалга ошириш мақсадида кластер тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрда қишлоқ хўжалик ходимлари куни муносабати билан бўлган учрашувдаги маърузасида 2025 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган натижаларни қуйидагича баҳолади: “Жорий йилда халқимизнинг 3,5 миллиондан зиёд вакили меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалигида катта марраларга эришилди.

Пахтачиликда миришкор деҳқон ва фермерларимиз томонидан 875 минг гектар ерда 4 миллион тоннага яқин хирмон яратилди. Илк бор пахтада ўртача ҳосилдорлик 46 центнерга етди.

Ғаллакорларимиз бу йил 8 миллион 400 минг тонна хирмон яратди, ўртача ҳосилдорлик эса 85 центнер бўлди.

Шоликорларимиз жорий йил 268 минг гектарда шоли экиб, 1 миллион 340 минг тонна ҳосил олди, ўртача ҳосилдорлик 50 центнерга етди.

Уч йилда 155 минг гектар боғ ва узумзор барпо этилди, интенсив боғлар 150 минг гектарга етказилди. Жорий йилда 3,4 миллион тонна мева, 2 миллион тонна узум, 19,5 миллион тонна сабзавот, полиз ва картошка, 1 миллион тонна дуккакли ва мойли экинлар етиштирилди.

Йил бошидан озиқ-овқат экспорти 37 фоизга ўсиб, 3 миллиард долларга етди, йил якуни билан бу кўрсаткич илк бор 3,2 миллиард доллардан ошади. Мева-сабзавотларимиз кириб борган давлатларнинг сони 18 тага кўпайиб, 83 тага етди” (President.uz., 2025).

Ушбу маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги жадал ривожланиб, юқори натижаларни қайд қилмоқда. Бугунги кунда йирик кластерларга жамоат аҳамиятига молик ташкилот реестрига киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги 282-сон “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорида МҲХСларига штишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган. Лекин, бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар талабида ташкил этиш учун қатор муаммолар мавжуд:

Кўпчилик фермер хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ташкил этилмаган. Ҳисоботлар фақат солиқ мақсадларида тузилади. Молиявий ҳисоб ташкил этилмаган;

Кластерларнинг ҳар бир буғинида бухгалтерия ҳисобини МҲХСлари асосида ташкил этиш, консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиш, молиявий ҳисоботларнинг шоффофлиги, очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш;

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида биологик активлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик мақсадларидаги ер, қишлоқ хўжалик техникалари ва технологияларини тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш услугиетини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш.

Ушбу масалаларнинг долзарблиги биологик активлар ҳисобини тадқиқ қилишни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олим Болтаев (2024) мамлакатимизда БАлар ҳисобига оид ёндашувларни уч гуруҳга ажратади:

“*биринчи гуруҳ* тадбиркорлик субъектлари амалдаги 21-сон БҲМСда биологик активлар таркибига кирувчи активлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун белгиланган счётлар таркибида тегишли аналитик счётларни очган ҳолда юритишмоқда;

иккинчи гуруҳ тадбиркорлик субъектлари 21-сон БҲМСда белгиланган счётлар асосида МҲХС талабларидан келиб чиқган ҳолда тегишли счётларни қўшиш ва ўзгартиришлар киритиш орқали алоҳида МҲХС бўйича счётлар режаси ишлаб чиқиб юритишмоқда;

учинчи гуруҳ тадбиркорлик субъектлари ваколатли орган томонидан тавсия этилган намунавий счётлар режасида белгиланган счётлардан фойдаланиб келишмоқда” (Болтаев, 2024).

Эралиев (2022) тан олиш қоидаларни қуйидагича “Тадбиркорлик субъекти биологик активни ёки қишлоқ хўжалиги ҳосилини тан олиши лозим, фақатгина қачонки:

(а) тадбиркорлик субъекти активни ўтган ходисалар натижасида назорат қилса;

(б) тадбиркорлик субъектига актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий манфаатлар оқими содир бўлишининг эҳтимоли мавжуд бўлса; ва

(в) активнинг ҳаққоний қиймати ёки таннарни ишончли баҳоланса” (Эралиев, 2022).

Попова (2009) “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари биологик активлардан ажратиб олишда (ўсимликшуносликда бу ҳосилни йиғиштиришда буғдой, мева, чорвачиликда – қирқим, соғиш ва йиғиш натижасида олинган жун, сут, тухум, асал ёки биологик активларнинг ҳаёт фаолиятини тугатиш жараёнини тугатиш) биологик актив элементи сифатида тугалланади ва алоҳида актив сифатида тан олинади”.

Қирғизистонлик олимлар Исроилов ва бошқалар (2023) “Бизнинг фикримизча, IFRS бўйича биологик активларни ҳисобга олишнинг тавсия этилган методологияси қабул қилиниши мумкин эмас, чунки бизнинг тадқиқотларимиз ва айрим жиҳатларини амалий қўллашимиз биологик активларни фақат узоқ муддатли активлар сифатида ҳисобга олишмумкин эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун савол туғилади, нима учун бизнинг фикримизча деҳқон (фермер) хўжаликларининг ҳисобини ташкил этишда биологик активларни ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги бўйича таснифлаш зарур? Ушбу тасниф активни узоқ муддатли ва қисқа муддатли деб тан олиш имконини беради. Шунинг учун биологик активлар қисқа муддатли активлар бўлимида ва узоқ муддатли активлар бўлимида ҳисобга олиш мумкин” деб хулосага келишган.

Биологик активлар ҳисоби 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги” стандарти асосида тартибга солинади. 41-сон БҲХС «Қишлоқ хўжалиги» стандартида қуйидаги атамаларга таъриф берилган. Ушбу стандартда бир қанча қишлоқ хўжалик соҳасида бухгалтерия ҳисобига оид атамалар келтирилган. Мақола мавзусига оид бўлган айрим тушунчаларнинг стандартда берилган тавсифини келтирамиз:

1-жадвал

41-сон БХХС “Қишлоқ хўжалиги” стандартида келтирилган таърифлар

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	– бу ташкилотнинг биологик активларидан олинган йиғим (ҳосил)
Биологик активлар	– бу жонивор ҳайвонлар ёки жонли ўсимликлар.
Биотрансформация	– ўсиш, туғиш (насл қолдириш), маҳсулдорлиги ошиши (ишлаб чиқарилиши) ва кўпайиш жараёнларини ўз ичига олади, қайсики бунинг натижасида биологик активда сифат ёки миқдорий ўзгаришлар юз беради.
Сотиш харажатлари	– активларнинг чиқиб кетиши билан бевосита боғлиқ бўлган молиялаштириш ва фойда солиғи харажатларидан ташқари харажатлар.
Ўзгаришларни баҳолаш	Биологик активлар ҳолатида юз берган миқдор ва сифат ўзгаришларини баҳолаш асослари амал қилиши керак. Масалан, боқувдаги ҳайвонларнинг семириши, дарахтларнинг ёши ўзгариши, зинчлиги ва етуқлиги ўзгариши, маҳсулотлар ёғ ва оқсилларнинг ўзгариши, толанинг мустаҳкамлиги ошиши каби кўрсаткичларни ўлчаш имконияти бўлиши керак.

41-сон БХХСнинг 4-бандида қуйидаги жадвалда биологик актив, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва маҳсулот йиғимидан кейин қайта ишлаш натижаси бўлган маҳсулотлар таркиби келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Биологик актив, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва маҳсулот йиғимидан кейин қайта ишлаш натижаси бўлган маҳсулотлар таркиби³

Биологик активлар	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Маҳсулот йиғимидан кейин қайта ишлаш натижаси бўлган маҳсулотлар
Қўйлар	Жун	Ип, гилам
Ўрмон плантациясидаги дарахтлар	Йиқитилган дарахтлар	Ёғоч ва пиломатериаллар
Сут чорва моллари	Сут	Пишлоқ
Чўчқалар	Тана гўшти	Колбаса маҳсулотлари, консерванланган жомбон (ветчина)
Ўзапоя	Терилган пахта	Ип-газламалар, кийимлар
Шакарқамиш	Кесиб олинган шакарқамиш	Шакар
Тамаки	Йиғилган тамаки барглари	Қурилган тамаки
Чой буталари	Йиғилган чой барглари	Чой
Токзор	Йиғилган узум	Вино
Мевали дарахтлар	Терилган мевалар	Қайта ишланган мевалар
Ёғ хурмолари	Терилган мевалар	Пальма ёғи
Каучук дарахтлари	Терилган латекс	Резинали маҳсулотлар

Биологик активларга берилган таъриф асосида унинг иккита йирик гуруҳдан ташкил топишини қайд қишимиз мумкин бўлади (1-расм).

³ 4-сон БХХС “Қишлоқ хўжалиги”

https://nrm.uz/contentf?doc=708861_ias 41_qishloq_ho%20%80%98jaligi_buhgalteriya_hisobining_halqaro_standarti (av_tomonidan 09 12 2022 y 3400-son bilan ro%20%80%98yhatga_olingan_moliya_vazirining 10 11 2022 y 61-son buyrug%20%80%98iga_26-ilova)&products=1 vse_zakonodatelstvo_uzbekistana 4-банди асосида муаллиф таржимаси



1-расм. Биологик активлар турлари

Иқтисодчи олимлари Б.Боронов ва З.Мухаммедовлар⁴ биологик активларга берилган таъриф ва тавсифларини ўрганишлари асосида қуйидаги хулосаларни қилишган.

“Биринчидан, биологик активлар – бу қишлоқ хўжалиги соҳасига кирувчи суъектлар, шунингдек ушбу фаолиятни ҳам юритувчи бошқа соҳалар суъектлари мулкининг бир туридир.

Иккинчидан, биологик активлар уларни парваришлаш натижасида қўшимча биологик активларни вужудга келтирадиган, шунингдек бевосита истеъмол қилиниши ҳамда қайта ишлов берилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини берадиган активлардир. Мисол учун, сигир бузоқ туғади ва сут беради. Туғилган бузоқ янги биологик актив ҳисобланади, сигир сути биологик активдан олинган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланади. Сигир ва унинг бузоғини сўйишдан олинган гўшт ва тери ҳам биологик активлардан олинган маҳсулот сирасига киради. Биологик активлардан олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улардан қайта ишлов бериш натижасида яна янги маҳсулотларни олиш имконини беради. Мисол учун, биоактив ҳисобланган сигирдан олинган сутдан турли сут маҳсулотлари, масалан қаймоқ, сметана, пишлоқ, кефир, сузма каби янги маҳсулотлар олинади. Қайта ишлов бериш натижасида пайдо бўладиган бундай неъматлар тайёр маҳсулотлар деб аталади. Бундай хусусиятлар кўп йиллик ҳамда бир йиллик мевали ва мевасиз дарахтларга ҳам тегишлидир.

Демак, биологик активлар – бу бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини берувчи, улардан янги тайёр маҳсулотларни яратилишига имкон берувчи тирик мавжудотлардир”.

Биологик активлар билан боғлиқ биотрансформация жараёни ҳам муҳим рол ўйнайди (2-расм).

2-расм. Биотрансформация жараёни таркиби⁵

⁴ Халқаро стандартлар асосида узоқ муддатли активлар ҳисобини такомиллаштириш [file:///C:/Users/user/Downloads/konf.demog-91-97%20\(2\).pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/konf.demog-91-97%20(2).pdf)

⁵ Попова. О. Оценка биологических активов в финансовой отчетности <https://finotchet.ru/articles/444/> асосида қайта ишланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Юқоридаги таърифларни тадқиқ қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, биологик активларга берилган таъриф халқаро стандартнинг ўзида ҳам жуда қисқа таъриф бўлиб қолган унинг хусусиятларини тўлиқ инобатга олмаган. Мамлакатмиз ва хориждаги олимлар томонидан берилган таърифлар ҳам БАларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлантирмайди.

Биз тадқиқотлар асосида биологик активларга қуйидагича таъриф беришни таклиф этамиз:

Биологик активлар деганда, жонивор ҳайвонлар ва тирик ўсимликлар бўлиб, биотрансформация жараёни натижасида миқдори ва сифатининг ошиши, туғилиши, маҳсулдорликнинг ошиши ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг олиниши кўринишида иқтисодий наф келтирадиган активларга айтилади.

Ташкилот биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фақат шундан ҳолларда тан олади, қачонки:

(а) ушбу ташкилот бу ўтган ҳодисалар натижасида юзага келган активни назорат қилади;

(б) ушбу ташкилотнинг бу активлар билан боғлиқ келгусидаги иқтисодий нафи эҳтимол ҳисобланади; ва

(с) ушбу активларнинг адолатли (ҳаққоний) қийматини ёки бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлади.

Бошланғич баҳолаш. Биологик активлар ҳам бошқа узоқ муддатли активлар каби бошланғич қийматда баҳоланади ва давомий баҳоланиб борилади.

Бошланғич баҳолаш йиғим моментида (даврида) адолатли (ҳаққоний) қийматида сотиш харажатларини чегириб ташлаган суммада баҳоланади:

Бошланғич баҳолаш = Адолатли (ҳаққоний) қиймати – Сотиш харажатлари

Биологик активларни баҳолаш ва ҳисобга олиш уларнинг тавсифига кўра таснифланиши асосида амалга ошади.

Сотиш харажатлари ўз ичига:

- брокер ва дилер учун комисион харажатлар;
- тартибга солувчи органлар ва товар биржаларининг йиғимлари;
- мулкни ўтказишдаги солиқлар (агар мавжуд бўлса);
- пошлиналар

Одатда стандарт активларни бозорга чиқариш билан боғлиқ транспорт харажатларини сотиш харажатлари таркибига киритмаган.

Биологик активларнинг адолатли қиймати фаол бозорда белгиланади. Ушбу активни сотиш кўзда тутилган фаол активдаги котировка баҳоси асосида баҳоланади.

Биологик активнинг адолатли баҳоси = Актив сотилиши мўлжалланган фаол бозордаги котировка баҳоси асосида қиймати.

Агар биологик активнинг адолатли қийматини аниқлашда фаол бозор мавжуд бўлмаса, у ҳолда халқаро стандартлар адолатли қиймат сифатида қуйидаги кўрсаткичлардан бири олинади:

1. бозордаги охирги битимнинг нархи, агарда битим амалга оширилган сана билан ҳисобот санасида ўртасида иқтисодий шартларда катта ўзгаришлар бўлмаса;

2. аналогик активга ушбу активдан фарқларга коррективировка қилинган ҳолдаги белгиланган бозор нархи;

3. тармоқ кўрсаткичлари.

Фаол бозор ҳамда юқорида фаол бозор бўлмаган ҳолларда нархларни аниқлаш имконияти ҳам бўлмаса дисконтлаш коэффицентларини ҳисобга олган ҳолда активдан кутилаётган соф пул оқимлари дисконтланган қиймати олинади.

Адолатли қийматни таннарх кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ҳам аниқлаш мумкин. Стандартлар талабларига мувофиқ таннарх асос қилиб олиниши мумкин агарда харажатлар амалга оширилган вақтдан кейин салмоқли биотрансформация юзага келмаган бўлса ҳамда биотрансформациянинг нархга таъсири салмоқли бўлмаган ҳолларда.

Адолатли қийматни аниқлашнинг энг муҳим шарти ҳар қандай ҳолатда етарли даражада ишончли баҳолаш имконияти бўлиши керак. Бундан ҳолларда биологик актив бошқа активлар каби бошланғич қийматда баҳоланади:

Биологик активнинг бошланғич қиймати = Биологик активнинг таннархи – Жамғарилган амортизация – Жамғарилган кадрсизланишдан зарар

Ушбу усул ҳали бозор баҳоси вужудга келгунча қўлланилиши мумкин. Масалан, ўрикзор барпо этилди. Биологик актив юзага келади. Лекин, у бир йилда ҳосил бермайди. Дарахтлар ҳосилга киргунга қадар 4-5 йил вақт ўтиши керак. Бу вақт ичида биологик активнинг бозор қийматини аниқлаш имкони бўлмайди.

Биологик активлар юқоридаги усулларни қўллаш имконияти бўлмаганда соф сотиш нархида ҳам баҳоланиши мумкин. Соф сотиш нархи деганда, уни сотиш нархидан сотиш билан боғлиқ харажатлар чегирилган қийматига айтилади.

Барча ҳолатларда биологик активнинг энг адолатли қиймати фақат фаол бозор юзага келганда белгиланадиган нарх ҳисобланади, яъни бозорда белгиланган қиймати минус сотиш харажатлари. Шу боис, бошқа усулларда баҳоланиб, кейин вақт ўтиши билан фаол бозор юзага келса ва фаол бозорда баҳолаш имконияти бўлса бошқа методларда баҳоланган биологик активни баҳолаш фаол бозордаги баҳога ўтилади.

Агар компания биологик активни адолатли қийматда баҳолашга бир марта ўтдимиз ушбу биологик актив у сотилишига қадар ушбу адолатли қийматда баҳоланиши давом эттирилади.

Давомий баҳолаш. Ҳисобот даври охирида биологик активлар адолатли қийматда баҳоланиши қайта амалга оширилади. Натижада, фойда ёки зарарлар юзага келади.

Биологик активнинг бошланғич баҳоланиши ва сотиш моментидаги харажатларни чегириб ташлагандан кейинги адолатли қиймати ҳамда кейинги амалга оширилган ҳар қандай қайта баҳоланиши ўртасидаги фарқи ушбу даврнинг фойда ёки зарарлари таркибида акс эттирилади.

Биологик актив қийматининг ошишидан фойда = Сотиш харажатлари чегириб ташлангандан кейинги адолатли қиймати – Биологик активнинг бошланғич қиймати

Агар ҳисобот даврининг охирида БАнинг адолатли қиймати унинг бошланғич қийматидан кичик бўлса зарар юзага келади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошланғич баҳоланиши ва сотиш моментидаги харажатларни чегириб ташлагандан кейинги адолатли қиймати ҳамда кейинги амалга оширилган ҳар қандай қайта баҳоланиши ўртасидаги фарқи ушбу даврнинг фойда ёки зарарлари таркибида акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматининг ошишидан фойда = Сотиш харажатлари чегириб ташлангандан кейинги адолатли қиймати – Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошланғич қиймати

Агар ҳисобот даврининг охирида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг адолатли қиймати унинг бошланғич қийматидан кичик бўлса зарар юзага келади.

Биологик активларни баҳолашга доир амалий мисолларни кўриб ўтамиз.

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра подада 20 та қорамол бор. 2023 йил ҳисобот даври давомида қорамолларнинг сониди ўзгариш бўлмади. Бир бош молнинг сотиш харажатларини чегириб ташгандандан кейинги адолатли (ҳаққоний) қиймати қуйидагича бўлган.

2023 йил 1 январь ҳолатида 2 ёшли қорамол	12 400 000
2023 йил 1 январь ҳолатида 3 ёшли қорамол	17 250 000
2023 йил 31 декабрь ҳолатида 2 ёшли қорамол	13 480 000
2023 йил 31 декабрь ҳолатида 3 ёшли қорамол	18 130 000

Ушбу маълумотлар асосида 2023 йилнинг 31 декабрь ҳолати бўйича адолатли қийматда баҳолаш натижасида фойда ёки зарарларни аниқлаш талаб этилади.

1. 2023 йил 1 январь ҳолатида 20 бошли қорамолнинг адолатли қийматини аниқлаймиз:

$$20 \text{ та} \times 12\,400\,000 = 248\,000\,000 \text{ сўм}$$

2. 2023 йил 1 январда 2 ёшли бўлган 20 та қорамол 2023 йил 31 декабрь ҳолатига келиб 3 ёшли қорамолга айланади. Натижада, унинг жисмоний ҳажми ўзгариши натижасида ташкилотда фойда юзага келади.

$$20 \text{ та} (18\,130\,000 - 13\,480\,000) = 20 \text{ та} \times 4\,650\,000 = 93\,000\,000 \text{ сўм}$$

3. Йил охирига бориб 2 ёшли қорамолнинг адолатли қиймати ўзгараяпти. Нархнинг ошиши натижасида ташкилот фойда олади.

$$20 \text{ та} (13\,480\,000 - 12\,400\,000) = 20 \text{ та} \times 1\,080\,000 = 21\,600\,000 \text{ сўм}$$

4. Адолатли қийматининг ўзгаришидан олинган фойда

$$20 \text{ та} \times 18\,130\,000 - 248\,000\,000 = 362\,600\,000 - 248\,000\,000 = 114\,600\,000 \text{ сўм}$$

5. Юқорида қорамолларнинг жисмоний ҳажми ўзгариши ва нархнинг ўзгариши натижасида олинган фойда умумий адолатли қийматнинг ўзгариши натижасида олинган фойдага тенг бўлади.

БАнинг адолатли қийматининг ўзгаришидан олинган фойда = БАнинг жисмоний ҳажмининг ўзгаришидан олинган фойда + БАнинг нархнинг ўзгаришидан олинган фойда = 93 000 000 + 21 600 000 = 114 600 000 сўм.

Ушбу услубий тартиб қоидаларнинг амалиётда қўлланилиши биологик активлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Келтирилган тавсиялар Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси профессор ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Молиявий ҳисоб 2” дарслигида ўз аксини топди.

Хулоса ва таклифлар.

Ушбу тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Мамлакатимизда йирик қишлоқ хўжалик кластерларини ҳам жамоат аҳамиятига эга бўлган ташкилотлар сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2. Биологик активларга такомиллашган таъриф ишлаб чиқилди, қайсики ушбу таърифда биологик активлардан олинадиган иқтисодий нафларнинг турлари, жумладан миқдори ва сифатининг ошиши, туғилиши, маҳсулдорликнинг ошиши ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг олиниши кабилар қайд этилди.

3. Биологик активларни бошланғич қийматда баҳолаш, биологик активнинг адолатли баҳоси, биологик активнинг бошланғич қиймати, давомий баҳолаш, биологик актив қийматининг ошишидан фойда, қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматининг ошишидан фойдани аниқлаш тартиб қоидалари тавсия этилди.

Адабиётлар/Литература/References:

President.uz. (2025). Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари билан мулоқот қилди. [online] Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/8763>.

Болтаев А.С. (2024) Биологик активлар ҳисобининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. // 1-son (yanvar-fevral) <http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/39-40-betlar>.

Исраилов, Т. М. (2023) Биологические активы: признание, классификация, оценка и учет согласно МСФО / Т. М. Исраилов, А. А. Курманбекова, Н. Тимур кызы // Социальное предпринимательство и корпоративная социальная ответственность. – Т. 4, № 3. – С. 171-188. – DOI 10.18334/social.4.3.120881.

Попова О.Г. (2009) Оценка биологических активов. // <https://finotchet.ru/articles/444/>.

Халқаро стандартлар асосида узоқ муддатли активлар ҳисобини такомиллаштириш [file:///C:/Users/user/Downloads/konf.demog-91-97%20\(2\).pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/konf.demog-91-97%20(2).pdf).

Эралиев А. (2022) Биологик активлар ва улардан олинадиган маҳсулотлар ҳисобининг халқаро стандартлар бўйича таснифи ва тавсифи // <https://sciup.org/ekonomika-socium №6> (97).